

Масрур РАҲИМЖОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Магистратура бўлими бошлиғи
филология бўйича фалсафа доктори (PhD)

Жалолиддин БҶРИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат
бўлими услубчиси

МАРСИЯ ЖАНРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Илмий-назарий адабиётлардан маълумки, “Марсия (مرثیه) арабча риса (رثه) сўзидан олинган бўлиб, йиғламок, аза тутмок, қайғурмок маъноларини билдиради. “Шеърий терминологияда эса вафот этган бирор шахс сифатларини таърифловчи, уни мақтовчи, унга бўлган шоир муносабатини ифодаловчи, лирик қаҳрамоннинг қайғу-ҳасратларини тасвирловчи асардир”.¹ Яна бошқа бир манбада марсия – арабча сўз бўлиб, “ўлган кишига бағишлаб, унинг яхши сифатлари баён қилинган ва ўлимига афсус билдирилган шеърий асар”,² – дея таърифланади. “Адабиётшунослик терминлари луғати”да эса, “бирор машхур кишининг вафоти муносабати билан ғам-алам ва ҳасратни ифодалаган лирик шеър ёки кўшик”,³ – тарзида таснифланади.

А.Квятковскийнинг “Шеърий терминлар луғати” (“Словарь поэтических терминов”. М., 1966), Л.И.Тимофеев, С.В.Тураевлар томонидан тузилган “Адабиётшунослик терминлари луғати” (“Словарь литературоведческих терминов”. М., 1974) каби адабий луғатларда ҳам марсиянинг бош хусусияти, бу – бирон-бир яқин кишининг ўлими муносабати билан шеър ва кўшиқларда ифодаланган қайғу, ҳасрат, ғам-андух, ўкинч-надомат сингари мунгли кечинмалардир, дейилади.

Демак, марсия мағзини ҳасратга чўмган мунгли ҳиссиёт ташкил этар экан. Марсиянинг илдизи – генезиси фольклордаги йиғийўқловларга бориб боғланади. У Яқин ва Ўрта Шарқ шеъриятидаги адабий жанрлардан биридир. Бирор машхур киши вафоти муносабати билан ғам-алам ва ҳасратни ифодаладиган шеър. Марсия дастлаб халқ оғзаки ижодида, кишилиқ жамиятининг жуда ҳам қадимги босқичларида пайдо бўлган (масалан, тош битиглардаги марсиялар, “Девону луғотит турк”даги Алп Эр Тўнга марсияси ва ҳ.к.).

Кўринадики, луғатлардаги таърифлар марсия жанрининг рангин қирраларини ёритиши билан баробар минг-минг йиллар бадалида шаклланган, қонуният тусига кирган қатъий ўзига хос хусусиятларини ҳам акс эттираётир. Таърифлардан яна бир хусусият аёнлашаётирки, марсия жанри қотиб қолган адабий шакл эмас. Аксинча, тарихий ҳаётида, такомил босқичларида одамлар, халқлар тақдирига, жамиятлар турмуш тарзига жиддий ўзгаришлар олиб кирган ижтимоий воқеа-ҳодисалар мазмунини ҳам ифодалаб келган. Олис мозий воқелигида кечган жараёнлар, ижтимоий-сиёсий бухронлар билан боғлиқ равишда марсия жанри ҳам ҳамиша янги-янги қирралар, аломатлар касб этган ҳолда ўз имкониятларини кенгайтириб борган. Демак, марсия ҳам барча адабий жанрлар қатори ўз яратувчиси – ижодкорининг фикрлаш тарзини, маънавий-интеллектуал, ахлоқий маданиятини,

¹ Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Т.: 1979. – Б.144.

² Навоий асарлари луғати. – Т.: 1972. – Б.366.

³ Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимов а С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: 1967. – Б.102.

изланишларини кўзгудагидек акс эттиради. Шу боисдан ҳам у ёки бу жанрлар ҳаёти ҳақида гап кетгудек бўлса, шу соҳада кўпроқ изланишлар олиб борган ёрқин ижодкорлар сиймоси ўқувчилар онги-шуурида жонланади. Умар Хайём рубоийлари, Петрарка сонетлари, Шекспир, Фитрат трагедиялари, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, Рауф Парфи сонетлари, учликлари, насрдаги назмлари сингари ва ҳ.к.

Марсия намуналари мисолида кузатадиган бўлсак, жанрнинг ички структураси асрлар давомида янги-янги белгилар ҳисобига бойиб бориши баробарида жаҳон адабий ҳаётида ўзининг қатъий хусусиятлари мужассамлашган табиатига ҳам эга. Шу маънода исломгача бўлган араб ҳамда туркий шеърят тарихида яратилган марсия жанри намуналарида намоён бўлган хусусиятлар умумтипологияк аломатларини белгилаш имконини ҳам беради.

Араб адабиётида яратилган марсия (риса) нинг илк намуналари VI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган шоир ал-Муҳалхил қаламига мансуб. Бу ҳақда арабшунос И.М.Фильштинский шундай маълумот келтиради: “Ал-Муҳалхилнинг акаси Қулайба икки қардош-қариндош бакр ва тағлиб қабилаларининг лашкарбошиси эди. Айтгани-айтган, дегани-деган Қулайба баланд мавқеидан кибрланиб, босар-тусарини билмай қолади. Қабиланинг эски удумларини буза бошлайди; қабиланинг бечораҳол фуқароларига беписанд муомала қилади; ўзига алоҳида иззат-икром кўрсатишларини талаб этади. У қабилалошларининг туяларини ўзига тегишли дала-даштларида туяларига қўшиб боқишларига монелик кўрсатади, таъқиқлайди. Айниқса, бир куни Қулайбанинг хотини акаси Жассосни ортиқча мактаб юбориб, ғазабини кўзғайди. Чодирдан ташқари чиқса, Жассоснинг холаси – ал-Басуснинг урғочи туяси унга тегишли кир-адирда ўтлаб юрганини кўриб қолади. Қаҳри қайнаб, фигонидан тутун чиқиб кетган Қулайба урғочи туяни қиличи билан чопиб ташлайди. Ва шу тариқа Жассосни қаттиқ ҳақоратлайди. Жассос ҳам пайт пойлаб, уни ўлдиради. Ал-Муҳалхил акасининг хунини олиш учун қабилалошларини ўч олишга қақиради.

Охир-оқибат бакр ва тағлиб қабилалари ўртасида қирқ йил давом этган қирғин барот

уруш бошланади. Бу жангу жадал тарихда, “ал-Басуснинг урғочи туяси сабаб бошланган уруш” деган номни ҳам олган. Урушда ал-Муҳалхил асир олинган ва орадан кўп ўтмай қатл этилган”⁴.

Ал-Муҳалхилдан асосан акаси Қулайба ўлимига бағишлаб ёзилган ўттиз сатрдан иборат воқеабанд риса бизгача етиб келган, – дея таъкидлайди И.М.Фильштинский. Эътиборлиси шундаки, И.М.Фильштинский араб шоири рисасидаги жанр унсурларини алоҳида кўрсатади. Ал-Муҳалхил акасининг ўлимига аза очиши, адоқсиз ғам-аламларини ифодалаши билан бирга, яна унинг жанг маҳаллари кўрсатган мардлик-қаҳрамонликларини, чавандозлик сифатларини ва ҳатто, хамр ичиб асло маст бўлмасдан, ўзини тетик-бардам тутганлигини олқишлайди.

Рисанинг ифода таъсир кучини ошириш ниятида хар бир банд охирида сатрлар қайтариғи-риторик таъкидлар келтирилади. Бу нарса асарнинг мунгли оҳангини оширади, жаноза маҳалидаги каби қайғули кайфиятни –ҳолатни вужудга келтиради. “Ҳар бир банд охирида сатрлар қайтариғи ўз шакли ва мазмунига кўра жаноза маросимидаги мунгли йиғилардан келиб чиққанлигини пайқаш мумкин”⁵.

Демак, рисанинг генезиси, келиб чиқишига кўра илдизи маросим фольклоридаги йиғилардан бошланади. Бирон-бир машҳур кишининг вафоти муносабати билан ғам-алам ва ҳасратларни ифодалаган лирик шеър ёки кўшиқлар марсия-рисаларнинг мазмунини ташкил этган. Риса-марсияларнинг илк намуналарида мунг-қайғули мазмун олқишлар билан ёнма-ён яшаган. Кўринадики, рисалардаги марсия унсурлари фахр, мадҳ аломатлари билан қоришиқ ҳолда юзага келган экан.

Қадимги араб адабиётида яратилган дастлабки рисалар табиатидаги мазкур хусусиятни арабшунос, профессор И.Абдуллаев ҳам Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Йатимат ад-дахр” асари тадқиқотида алоҳида кўрсатиб

⁴ Ф и л ь ш т и н с к и й И. М. Арабская классическая литература. – М., 1965. С – 30.

⁵ Ф и л ь ш т и н с к и й И. М. Арабская классическая литература. – М., 1965. С – 31.

ўтади. “Қасида фақат мактов учун ёзилади, яъни у ода характериға эға, деб тушуниш нотўғридир. Буни қасиданинг кейинги тараққиёт давриға, яъни ундан ҳажв ажралиб чиққандан кейинги давриға татбиқ этиш мумкин. Қасидадан кейинчалик поэзиянинг бошқа жанрлари – ҳажв, ғазал, васф, марсия кабилар ажралиб чиққан. И.Ю.Крачковский ҳам қасида араб поэзиясининг марсия ва сатирадан ташқари ҳамма жанрини ўз ичига олган; аммо марсия ва сатира ҳам баъзан шу қасидада ифода этилган, деб кўрсатади”.⁶

Адабиёт тарихида яна шундай маълумотлар ҳам учрайдики, бу нарсани ижодий жараён меваси сифатида, ва янаям муҳими, шоирнинг ҳаётга, у ёки бу одамларға муносабати тариқасида англаш мумкин. Хусусан, XI асрда Бухорода яшаб ўтган арабийнавис шоир ал-Муродий лашкарбоши Ас-Сулукийнинг ўлими муносабати билан ҳажв ёзган экан. Ал-Сулукий асли амир Наср ибн Аҳмаднинг лашкарбошиларидан бири бўлиб, жангда ҳалок бўлган.

*Унинг қабих жони ҳалок бўлди, ахир ўлимға ундан муносиброқ киши йўқ эди. Асли туғилиши хатолик бўлган кишини ҳалок этиб, ўлим ҳеч хато қилгани йўқ.*⁷

Кўринадики, риса-марсиянинг илк намуналарида васф, олқиш, йиғи-ўқинч, ҳажв унсурлари синкретик қоришиқ ҳолда бир-бирини тўлдириб, бойитиб келган. “Марсия – деб ёзади адабиётшунос Н.Б.Кондирева, – мазмунан қайғуга чўмган, қора кийган, мотамсаро жанр. У Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё шеъриятида кўп учрайди. У, асосан, исломгача бўлган қадимги араб поэтикасида ҳалок бўлган жангчиларға бағишлаб айтилган йиғилардан бошланади... Марсиялар шакл жиҳатдан бир хил қофия билан ёзилган шеърлардир. Ва лекин маснавий жанрида ҳам вафот этган кишиларға

бағишланган йиғи намуналари бор. Бирок улар жуфт қофияли сатрлардан иборат бўлиб, маснавийнинг қонун-қоидаларига мос келади”⁸.

Адабиётшунос Н.Б.Кондирева ўз фикрларининг тасдиғи сифатида форсий шеърятдан Рудакийнинг “Шоир Шохиди Балхий вафотиға бағишланган марсия”, “Муродийнинг ўлимиға аталган марсия” сингари асарларини, озарбайжон шоири Ҳоконий (XII аср) томонидан битилган марсияларни, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ўғлининг вафоти муносабати билан келтирилган лирик кечинмаларни алоҳида таъкидлайди.

Шу маънода Ибн ар-Румийнинг иккинчи фарзанди Муҳаммадға ёзган “Фарзанд доғи” номли рисасини эслаш жоиз. У ўттиз сатрдан иборат. Маснавий шаклида ёзилган. Ўрта асрлар араб шеърятининг йирик вакили Ибн ар-Румий (836-896 й.й.) ижодида қайғули, мотам мазмуни кучли эканлиги бежиз эмас. “Шоирнинг ҳаёти ҳар томонлама фожеали кечган, – деб ёзади И.М.Фильштинский. – У ёшлиғида отасидан айрилиб, етим қолади. Кейинчалик, орадан хийла муддат ўтгач, хотини оламдан ўтади. Тўрт фарзанди ҳам кетма-кет тўсатдан вафот этади. Ташқи қиёфаси ҳам ўзига кўп ташвиш-азият олиб келарди – шоирнинг бўйи пакана, тақир калбош ва яна оёқи маймоқ-чўлоқ эди”⁹.

Рисада фарзанд доғида куйган, ўртанган, ғамгусор Ота нидолари унинг хотиралари тариқасида жонлантириляпти. Фарзандининг ҳаётлик чоғида адо этган эзгу амаллари қанчалик ҳузурбахш бўлмасин, эндиликда хотиралар тусини олди. Фарзандинг ўнға бўлса ҳам, ҳар бирининг ўрни бўлак. Фарзандлари орасида ўртанчаси – “Сўнгсиз давлати, дуру гавҳари” эди. Унинг қарашлари, ўтли нигоҳи отанинг кўз ўнғида суратланиб қолган. Чехраси кўнглини асло тарк этмайди. Улар барчаси жамланиб, ота дардини орттиради. Ахир, шундай қадри беқиёс ўғилни унутиб бўладими? Ёниқ хотиралари ҳар дақиқада дилида олов ёқса; фикри-зикрини алғов-далғов қилиб кўз олдида тикланаверса.

⁶ Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср (аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси). – Тошкент, 1976; И с м а т и л л а А б д у л л а е в. “Абу Мансур ас-Саолибийнинг ҳаёти ва ижоди” номли бош мақола, 46-бет.

⁷ Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. 112-бет.

⁸ Краткая литературная энциклопедия. В 9-томах. – Т.4. – с. 655.

⁹ Фильштинский И. М. Арабская литература в средние века. VIII-IX вв. – М., 1978. – С.151.

Умрнинг ўткинчилиги, ҳаётнинг бешафқатлиги, Оллоҳ ўзи берган омонатини истаган пайтда яна қайтариб олишлиги сингари сабр-қаноатга ундовчи тушунчалар Ибн ар-Румий рисасида етакчи белгиларга айланган. Ибн ар-Румий марсияси ислом қарор топгунча бўлган даврда яратилганлигини пайкаш қийин эмас. Хусусан, бу нарсаси асар мазмунидан шундоққина кўзга ташланиб турибди. Яъни, исломгача бўлган қадимги араб шеърлятидаги рисаларда Оллоҳнинг хоҳиши-иродаси, азми-ихтиёри мазмундаги қатъий иқдорлар устувор эмас. Ибн ар-Румийнинг ҳаётини тажрибаси, тириклик сабоқлари уни инсон умрининг маъноси, ҳаётга келишию кетиши сабаблари хусусида мушоҳадалар юритишга даъват этаётир. Фарзандининг ўлими сабаб бўлиб, бир жиҳатдан, ёруғ дунёда қолдираётган яхши амалларидан қўнгли таскин топади; иккинчи томони, фарзандининг ўтган умридан, кечирган ҳаётдан ғурур туяди, ифтихори ортади. Негаки, у ҳатто отанинг “гуноҳларию оҳларини” ҳам ўзи билан олиб кетди; эзгу савобли амалларини, кечирган ёруғ кунларини ўзидан хотира тариқасида қолдирди.

Исломгача бўлган қадимги араб шеърлятида ҳаётнинг ҳосияти, умрнинг моҳияти, тирикликнинг мазмуни тўғрисидаги ўй-фикрлар етакчилик қила бошлаганлигини арабшунос И.М.Фильштинский ўз асарида етакчи тенденция сифатида кўрсатиб ўтади.¹⁰ Дарҳақиқат, Ибн ар-Румий марсиясида кузатилганидек, йиғи, ўкинч, ғурур, васф, инсон тирикчилигининг мазмуни, эзгу амаллар моҳияти хусусидаги фикрлар яхлит мужассамлашган.

Ибн ар-Румийнинг яна бошқа бир фарзанди вафотига аталган “Ҳаётимни, жаждимни йўқотдим” номли рисасида эса марсиялар табиатида намоён бўлган яна ўзгача белгиларни кузатишимиз мумкин.

Ибн ар-Румий марсияси ҳам ушбу даврдаги араб шеърлятида кучли йўналишга айланган, арабшунос И.М.Фильштинский алоҳида таъкидлаган фалсафий-аскетик мазмунга анча яқин. Хусусан, Абул-Атахия (748-825

й.й.) шеърляти ҳақида фикр юритар экан, И.М.Фильштинский шундай ёзади: “Абул-Атахия лирик шеърлятда алоҳида жанр ҳисобланган зухдиётнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Ҳаёт лаззатларидан ўзини тийиш, ундан ўзини тортиш ғояси зухдиётда етакчилик қилмайди. Ўрта аср араблари биринчи навбатда ғамгин, мунгли, аламли мазмунга эга бўлган асарларни ушбу жанрга киритишган. Ижтимоий воқеликдаги адолатсизликлар, умрнинг бевафолиги, ўткинчилиги, одамларнинг тирикчилик кўчаларида самарасиз тентирашларига оид ўкинчли мазмун зухдиётнинг асосий мундарижаси эди”.¹¹

Устоз шарқшунос Е.Э.Бертельснинг “Форс-тожик адабиёти тарихи” асарида кўрсатишича (“История персидско-таджикской литературы”, с.93) исломгача бўлган араб шеърлятида марсия (риса)нинг келиб чиқиши хотин-қизларнинг маросим таомили (аза тутиш, жаноза очиш) сингари омилларга бориб туташади.

Демак, Ибн ар-Румий рисасининг ички структураси – тўқимасида йиғи, ўкинч, юпанч, хотира, тасалли, реал воқелик ҳолатлари бир-бири билан узвий боғланган ҳолда бадиий яхлитликни вужудга келтираяпти. Халқ оғзаки ижодида шаклланган анъанавий йиғи-йўқловлар табиатидаги етакчи белгилар сифатида бўй кўрсатган алам, ўкинч, сўнгсиз ҳасрат туйғулари ҳаётнинг бешафқатлиги, ўлимнинг даф этиб бўлмас қўққис ҳамлалари қошида чорасиз гарангсиз қолаётган Ота, Она, Ўғил, Қиз ва бошқа жигарлар ҳолатини ифодалаган эди. Энди, ёзма адабиётдаги риса намуналарида эса хусусан, Ибн ар-Румий асарида кузатилганидек, реал воқеликнинг ўкинч-аламга йўғрилган аснолари ёнида “Оллоҳга топширдим”. “Оллоҳ иродаси”, “Ўзи берган омонатини Оллоҳ яна қайтариб олди” сингари тушунчалар марсия жанри таркибидан собит ўрин эгаллади.

Демак, хулоса тариқасида айтиш мумкинки, тош битиглардаги илк марсия намуналарида марҳумлар руҳини ёд этиш асносида йиғи, ўкинч, соғинч, мадҳ-васф, олқиш, хотира, объектив воқелик ҳолатлари,

¹⁰ Фильштинский И. М. Арабская литература в средние века. VIII-IX вв. – М., Наука, 1965. – С.87.

¹¹ Фильштинский И. М. Арабская литература в средние века. VIII-IX вв. – М., Наука, 1965. – С.79.

манзаралари сингари унсурлар жанрининг етакчи хусусиятлари бўлиб қолмоқда. Улар бадиий тасвирда ўзаро боғланган ҳамда бир-бирини тўлдирган ҳолатда ҳаётий-бадиий мазмун яхлитлигини таъминламоқда. Хусусан, олис ўтмишда кечган воқеаларнинг тарихийлиги жанрининг ўзига хослигини белгилашда ғоят муҳим компонент тариқасида намоён бўлмоқда. Яъни, марҳумнинг туғилгандан кейин болалиги, йигитлиги кечган муҳит тасвири, фаолияти билан боғлиқ тарихий воқеалар ёдномаларда етакчи ўрин тутди. Марсия жанрининг илк намуналаридаёқ объектив воқелик мазмуни ҳамда ўлим-йўқотиш ҳасрати доғи билан боғлиқ туғилган субъектив туйғу-кечинмалар тасвири жанр табиатини белгилаган устувор хусусиятлардир. Ва улар, энг муҳими, исломгача бўлган давр араб рисалари табиатидаги етакчи хусусиятлар билан умуммуштарак типологик белгилар силсиласини ташкил этади.

Демак, марсия жанрининг илк намуналаридаёқ киёслар, ўхшатишлар, образли ифода, фикрнинг содда ва самимий ифодаси тош битиглар бадииятини белгиловчи асосий хусусиятлар бўлиб қолди. Шунингдек, вафот этган одамга, у яшаган замонга муносабат, ўлимнинг кўзига тик боқиб, у билан фикрлашишга интилиш ҳам муҳим белгилардандир. Яна, ижтимоий муҳит деталларини реал кўрсатиш, объектив воқелик ҳолатларини холис чизиш ҳам етакчи хусусиятлар сирасидандир.

Демак, **биринчидан**, исломгача бўлган араб шеърлятидаги рисалар ҳам, туркий шеърлятга мансуб тош битиглардаги марсия намуналари ҳам бирон-бир шахснинг вафоти билан боғлиқ аза тутиш, жаноза очиш – маросим таомилидаги йиғилардан юзага келган. Қайғу, ўкинч, соғинч, васф, хотира, воқеликнинг холис тасвири, ҳолат ва кайфиятлар мазмуни мангу мунгнинг асосий мундарижасини белгилаб беради. (Ибн ар-Румий (836-896 й.-й.)нинг “Фарзанд доғи”, “Ҳаётимни, жаждимни йўқотдим” номли рисалари, V – VIII асрларга мансуб руник ёзув ёдгорликлари (“Талас дарёси водийсидаги ёдгорликлар” – “Биринчи ёдгорлик”, “Иккинчи ёдгорлик”, “Учунчи ёдгорлик” ва ҳ.к.).

Иккинчидан, риса (марсия)ларнинг дастлабки кўринишлари қасидалар таркибида бўлиб, васф, мадҳ, соғинч, хотира, ҳолат ва кайфиятлар тасвири сингари унсурлар қоришиқ-синкретик ҳолда учрайди. Ишқий-муҳаббат (носиб) белгиларини, душманни мағлуб этиб тор-мор қилиш (хижа), ўч олиш (сар) аломатларини ҳам қасидалар табиатида кўришимиз мумкин.

Учинчидан, риса (марсия)нинг йиғи-йўқловлар, қасидалар таркибидан ажралиб чиқиб, мустақил лирика жанри сифатида шаклланиши исломгача бўлган бедуйин шеърлятининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу – VII асрнинг биринчи оралиғига давом этган адабий жараён ҳодисасидир. Ушбу хусусиятни арабшунос А.Холидов “Араб адабиёти” тадқиқотида етакчи тараққиёт тенденцияларидан бири сифатида таъкидлаб кўрсатади (“Краткая литературная энциклопедия” В 9 томах, т.1. – М., 1962. – с.259).

Ану шу ҳодиса, яъни марсия жанрининг халқ оғзаки ижодидаги йиғилар, йиғи-йўқловлар асосида юзага келганлиги қадимги тош битиглардаги марсия намуналари учун ҳам хос бўлган етакчи хусусиятдир. (Урхун-Енисей ёдгорликларига мансуб “Қизил Чирадаги биринчи битиг тош”, “Унгин битиг тоши”, “Қизил Чирадаги иккинчи битиг тош”, “Уюк Архан дарёси ёқасидаги битиг тош” ва ҳ.к.).

Тўртинчидан, исломгача бўлган давр араб шеърлятидаги рисаларда бўлгани каби тош битиглардаги марсия намуналарида ҳам фалсафий-ахлоқий йўналиш мангу мунгнинг асосий мазмунига айланди. Абу-л Атахия, Ибн ар Румий сингари шоирларнинг рисалари мазмунида таркидунёчиликни, зоҳидликни тарғиб қилиш, ҳаёт лаззатларидан, турмуш маишатларидан воз кечишлик етакчилик қилади. Шу билан баробар тош битиглардаги марсияларда ҳам рисаларда бўлгани сингари ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва яхшилик масалаларига муносабат, ўй-мушоҳадakorлик марсиялар мундарижасини белгилай бошлади. Уларнинг муштарак, типологик хусусияти бўлиб қолди.